



**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ  
ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,  
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИЙ УЮШМАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚЎШМА ҚАРОРИ**

**Олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналиши  
талабалари ўртасида  
“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!”  
шиори остидаги республика эсселар танловини ўтказиш тўғрисида**

Бугунги кунда юртимизда олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар самараси ўларок, юртимиздаги барча олий таълим муассасалари, халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтинглари рўйхатига кириш учун дадил қадамлар билан рақобатга киришмоқда. Олий таълим муассасаларининг талаба-ёшлари турли инновацион лойиҳаларни амалга оширишда, фанлар бўйича республика ва халқаро танловларда ўз билимларини намоён этмоқдалар.

Ёшлар онгида Ватанимиз тарихи, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунча, билим ва кўникмаларни янада юксалтириш, ёшларнинг ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар орасида ижтимоий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий ҳамда иқтисодий жараёнларга нисбатан танқидий-тахлилий, ижодий дунёқараш кўникмаларини шакллантириш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб рағбатлантириш таълимнинг ажралмас қисмидир.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашлар, буюк мақсадларга эга шахслар сифатида тарбиялаш, Учинчи Ренессанс пойдеворини куришда ёшларнинг фаол



иштирокини таъминлаш ва дахлдорлик фазилатларини қарор топтириш мақсадида, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги **қарор қилади:**

1. Иқтидорли, интилувчан, ижодкор талаба-ёшларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида 2022 йилнинг апрель-май ойлари давомида олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналиши талабалари ўртасида **“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!”** шиори остидаги республика эсселар танлови (*кейинги ўринларда – Танлов деб юритилади*) ташкил этилсин.

2. Танлов тўрт босқичда – факультет, олий таълим муассасаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда республика миқёсида ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

3. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги Низом 1-иловага, Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республика Ташкилий қўмитаси 2-иловага, Танловнинг республика босқичи ҳакамлар ҳайъати таркиби 3-иловага, Танловнинг республика босқичини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси 4-иловага, “Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!” эсселар танлови республика босқичини ўтказиш дастури 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**4. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига:**

уч кун муддатда Танловнинг факультет ва олий таълим муассасаси босқичини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий ишчи гуруҳ ва ҳакамлар ҳайъати таркибини тасдиқлашни ўз ичига олган қарорини қабул қилиш;

Танловнинг факультет ва олий таълим муассасаси босқичини белгиланган муддатларда кенг қамровли ва сифатли ташкил этилишини таъминлаш;

Танловнинг устоз-шоғирд тамойили асосида ташкил этилаётганлигини инобатга олган ҳолда иштирокчиларнинг устозлари билан биргаликда танловга тайёргарлик кўришларини таъминлаш;

Танловнинг олий таълим муассасаси босқичи 1-, 2-, 3-ўрин ғолиблари Танловнинг ҳудудий босқичида иштирок этишлари учун шароитлар яратиш;

Танловнинг факультет, олий таълим муассасаси босқичлари якунлари бўйича ҳудудий Ташкилий гуруҳ ва республика Ташкилий қўмитасига ахборот бериб бориш;

олий таълим муассасаси босқичида фахрли 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган ғолиблар ва уларнинг устозларини тантанали ва муносиб рағбатлантириш;

Танловнинг ҳудудий босқичини юқори савияда ташкил этиш мақсадида (ҳудудий босқични ташкил этишга масъул олий таълим муассасалари) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда ишлаш;



Танловнинг ҳудудий босқичи 1-, 2-, 3-ўрин ғолиблари (3 нафар) ва уларнинг бир нафардан устозларини Танловнинг республика босқичида иштирок этишлари учун Тошкент шаҳрига хавфсизлигини таъминлаган ҳолда келиб кетишларини таъминлаш юклатилсин.

Белгилаб қўйилсинки, иштирокчиларни Тошкент шаҳрига келиб-кетишлари фақат жамоат транспорти (темир йўллари, ҳаво йўллари, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан ташқари) орқали амалга оширилади.

#### **5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига:**

уч кун муддатда танловнинг 1-2-3-босқичларини шаффоф ва тартибли ўтказиш мақсадида ҳар бир ҳудудга вазирликнинг бир нафардан масъул ходимларни бириктириш;

Танлов тўғрисида олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналиши талаба-ёшлари ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

Танлов иштирокчиларининг ёзган эсселарини баҳолаш мақсадида ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тиллари (зарурат бўлганда, бошқа тиллар) бўйича малакали мутахассисларни жалб этиш;

Танловнинг барча босқичларида методологик ва ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;

Танловнинг республика босқичи ғолиблари (1-, 2-, 3-ўрин)нинг устозларини тақдирлаш чораларини кўрсин.

#### **6. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашларига:**

уч кун муддатда Танловнинг ҳудудий босқичини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъул вазирликнинг вакили, ташкилий кўмита таркибидаги идораларнинг ҳудудий бўлимлари билан биргаликда ҳудудий Ташкилий гуруҳ ва ҳакамлар ҳайъати таркибини тасдиқлашни ўз ичига олган қарорларини қабул қилиш;

жойларда Танловнинг ҳудудий босқичини белгиланган муддатларда сифатли ва адолатли ўтказилишини ташкил этиш;

Танловнинг ҳудудий босқичида фахрли 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган иштирокчилар ва уларнинг устозларини тантанали ва муносиб рағбатлантириш чораларини кўриш.

#### **7. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига:**

2022 йилнинг 16-20 май кунлари Республика босқичини ўтказиш учун танлов иштирокчилари ва уларнинг устозлари учун “Чинобод Плаза” санаторийсидан жой ажратиш ва овқатланишини ташкил этиш;

Танловни ўтказиш учун жой ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш;

Танловнинг республика босқичи иштирокчиларини (42 нафар) Президент совғаси сифатида Ноутбук билан тақдирлаш;

Танловнинг республика босқичи ғолиблари (1-,2-,3-ўрин): 1-ўрин соҳибини 30 миллион сўм, 2-ўрин соҳибини 20 миллион сўм ҳамда 3-ўрин соҳибини 10 миллион сўм миқдоридаги пул мукофотлари билан рағбатлантириш;



Танловнинг Республика босқичида талабалар ва уларнинг устозлари учун ташкил этиладиган маданий тадбирлар харажатларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг касаба уюшмаси бюджетидан тўлиқ қоплаш вазифалари топширилсин.

**8. Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда:**

Танлов босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш, иштирокчиларнинг ижодий ишларини баҳолашда малакали мутахассисларни жалб этиш;

Танловнинг ҳудудий ва республика босқичи иштирокчи ва голибларини танлов мавзусига мос китоблар тўплами билан тақдирлаш;

Келгусида танлов голиблари ва совриндорлари иштирокида танловнинг мазмун-моҳиятини очиқ берувчи тарғибот учрашувларини ташкил этиб бориш вазифалари топширилсин.

**9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясидан:**

Танловнинг муддатлари, талаблари, рағбатлантиришлар ҳақида ҳамда танловнинг барча босқичларини миллий телерадиокомпания телеканалларининг кунлик информацион дастурлар орқали кенг жамоатчиликка етказиш;

Танлов иштирокчилари билан махсус кўрсатув суратга олиш сўралсин.

**10. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари тахририятдан** Танловни газета саҳифаларида ёритиб бориш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиботини амалга ошириш, шунингдек танловнинг тўртинчи Республика босқичи иштирокчиларининг эсселарини брошюра шаклида чоп этиш сўралсин.

**11. Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси матбуот хизматлари билан биргаликда** Танловнинг муддатлари, талаблари, рағбатлантиришлар ҳақида ҳамда танловнинг барча босқичларини телевидение, босма оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот-ташвиқот (видеоролик, реклама, эълон ва ҳ.к.) ишларида ҳамкорлик қилиш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Б.Махмадалиев, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Ю.Абсоатов, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Ф.Жўракулов, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Ғ.Мажидов, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раиси О.Ўсаров, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари Ф.Махмудов, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Д.Каттахонова зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 апрель, 6-94 - сон



К.Рафиқов

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 апрель, 18-68 - сон



А.Ташкулов

Республика Маънавият ва  
маърифат маркази раҳбари

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 апрель, 05-11/64 - сон



М.Ходжиматов

Ўзбекистон ёзувчилар  
уюшмаси раиси

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 апрель, 09-32/2 - сон



С.Сайид

Ўзбекистон Журналистлар ижодий  
уюшмаси раиси

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 апрель, 01-18/253 - сон



О.Ўсаров

Ўзбекистон Миллий  
телерадиокомпанияси раиси

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 апрель, кк-2 - сон



А.Хаджаев

Ўзбекистон Ёшлар ишлари  
агентлиги директори

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 апрель, 01-07/16 - сон



А.Саъдуллаев



**Олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналиши  
талабалари ўртасида  
“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлимиз билан бунёд этамиз!”  
шиори остидаги республика эсселар танловини ташкил этиш ва  
ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур низом олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналиши талабалари ўртасида “Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлимиз билан бунёд этамиз!” шiori остидаги республика эсселар танловини (кейинги ўринларда *Танлов деб юритилади*) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Танловда олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналишида тахсил олаётган талабалар эсселари билан иштирок этадилар.

3. Танловни ташкил этиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги томонидан амалга оширилади.

**II. Танловнинг мақсад ва вазифалари**

4. **Танловнинг асосий мақсади** – ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашлар, буюк мақсадларга эга шахслар сифатида тарбиялаш, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда ёшларнинг фаол иштироки ва дахлдорлик фазилатларини шакллантиришдан иборат.

**5. Танлов вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- ёшлар онгида Ватанимиз тарихи, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунча, билим ва кўникмаларни янада юксалтириш;

- ёшлар орасида ижтимоий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий ҳамда иқтисодий жараёнларга нисбатан танқидий-тахлилий ва ижодий дунёқараш кўникмаларини шакллантириш;

- ёшларнинг ўз иқтидорларини намоёиш этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;



- ёшларнинг маънавий, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишларига кўмаклашиш;

- ёшларнинг ёзма нутқ, изланиш, креатив фикрлаш, нотиклик, фикрини моҳирлик билан етказиб бера олиш кўникмаларини шакллантириш;

- иқтидорли ва истеъдодли ёшларни кўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб рағбатлантиришдан иборат.

### III. Танловни ўтказиш босқичи ва муддатлари

6. “Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз кўлимиз билан бунёд этамиз!” шиори остидаги республика эсселар танлови куйидаги тўрт (факультет, олий таълим муассасаси, ҳудуд ва республика) босқич ва муддатларда ташкил этилади:

а) **факультет босқичи** – олий таълим муассасалари факультетлари доирасида Танловда қатнашиш истагини билдирган бакалавр таълим йўналиши талабалари иштирокида 28-30 апрель кунлари;

б) **олий таълим муассасаси босқичи** – факультет босқичида 1-, 2-, 3-ўринларни қўлга киритган талабалар иштирокида 2-10 май кунлари;

в) **ҳудудий босқич** – олий таълим муассасаси босқичида 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган иштирокчилар ўртасида 10-12 май кунлари;

г) **республика босқичи** – ҳудудий босқич доирасида 1-, 2-, 3-ўринларга лойиқ деб топилган талабалар иштирокида 16-20 май кунлари Тошкент шаҳрида ташкил этилади.

### IV. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

7. Танловнинг факультет, олий таълим муассасаси ва ҳудудий босқичларини шаффоф ва тартибли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашларида Кенгаш раиси раҳбарлигида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бўлими вакиллари, тегишли олий таълим муассасаларининг ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректорлари, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази вакилларидан иборат Ташкилий гуруҳ тузилади.

Танловнинг **факультет босқичи** доирасида факультет декани, ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари ҳамда профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳ томонидан танлов иштирокчиларига “**Биз келажак бунёдкоримиз!**” мавзусида эссе ёзиш топширилади ва баҳоланади.

**олий таълим муассасаси босқичи** факультет доирасида 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган талаба-ёшлар ўртасида ташкиллаштирилиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгаши вакили, олий таълим муассасасининг ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими ходимларидан иборат (4 нафар) таркибда тузилган ишчи гуруҳ томонидан “**Янги Ўзбекистон – янги мақсадлар**” мавзусида ёзиш белгиланади.

**худудий босқичи** худуддаги олий таълим муассасалари ўртасида, ҳар бир муассасада 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган талаба-ёшлар иштирокида ташкиллаштирилиб, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг худудий кенгашларида тузилган Ташкилий гуруҳ томонидан **“Янги Ўзбекистон менинг тасаввуримда”** мавзусида эссе ёзиш топширилади.

Танловнинг худудий босқичи иловага мувофиқ олий таълим муассасаларида ўтказилади.

**Республика босқичида** танловнинг худудий босқичи натижаларига кўра 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган, жами 42 нафар талаба-ёшлар иштирокида **“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлимиз билан бунёд этамиз!”** мавзусида эссе ёзадилар.

8. Талаба томонидан ёзилган эсселар ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

9. Эссе ёзиш учун барча босқичларда икки ярим соатгача вақт ажратилади.

#### **V. Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари**

10. Танловда иштирокчилар ўзбек, рус, қорақалпоқ ёки инглиз тилларида эсселар ёзишлари мумкин.

11. Иштирокчилар эсселарни барча йўналишлар нуқтаи назаридан мукамал ёритишга интилиши лозим.

12. Ёзилган эсселар қуйидаги мезонларда баҳоланади:

- мавзунинг тўлақонли очиб берилганлиги – 20 балл;
- тарих, бугун ва келажак ҳақидаги тасаввур кенглиги – 20 балл;
- мавзуга оид мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар – 20 балл;
- имловий саводхонлиги, сўз бойлиги ва услубий маҳорат – 20 балл;
- амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан шахсий муносабатнинг ва улар бўйича хулосавий фикрларнинг мавжудлиги ҳамда уларни ифода этиш маҳорати – 20 балл;

#### **VI. Танлов ғолибларини тақдирлаш**

13. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси қасаба уюшмаси бюджети маблағлари ҳисобидан:

- Танловнинг республика босқичи иштирокчиларининг барчасига 1 донадан ноутбук;

- Танловнинг республика босқичи 1-ўрин соҳибига 30 миллион сўм, 2-ўрин соҳибига 20 миллион сўм, 3-ўрин соҳибига 10 миллион сўм миқдоридаги пул маблағлари топширилади.

14. Иштирокчиларнинг баллари тенг келиб қолган тақдирда ғолиблар сони ортиши мумкин.

15. Танловнинг республика босқичи фаол иштирокчилари номинациялар бўйича ҳам тақдирланиши мумкин.



16. Танловнинг республика босқичи ғолиблари (1-, 2-, 3-ўрин)нинг устозлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ноутбук билан тақдирланадилар.

### **VII. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республика Ташкилий қўмита ҳамда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

17. Танловни ўтказиш бўйича республика Ташкилий қўмита фаолияти давомида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- танловни ташкил этиш, босқичларини ўтказиш ва якунларини муҳокама қилиш, қарорлар қабул қилиш;

- танловнинг ўтказиш шартлари (танловни ўтказиш қоидалари, муддати, баҳолаш жараёни, мезонлари ва босқичлар)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- танловга тақдим этиладиган ижодий ишларни қабул қилиш жараёнини ташкил этиш.

- танловнинг барча иштирокчилари учун тенг шарт-шароитларни яратиш;

- танловни очик ва ошкора тарзда ўтказилишини таъминлаш;

18. Танлов иштирокчисининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- танловда иштирок этишдан олдин танлов Низоми билан тўлиқ танишиш;

- Низомда кўрсатилган талабларга қатъий риоя этиш.

19. Танлов иштирокчиси ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда танловдан четлаштирилиши мумкин.

### **VIII. Якуний қоидалар**

20. Танлов иштирокчиси (бошқа шахс) томонидан танловни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда унинг натижаси билан боғлиқ мурожаат (эътироз)лар қабул қилинмайди.



“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз кўлларимиз билан бунёд этамиз” шиори остидаги республика эсселар танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга илова

**“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз кўлларимиз билан бунёд этамиз”  
шиори остидаги республика эсселар танловининг худудий босқичини ўтказиш  
ЖАДВАЛИ**

Гуруҳлар	Танловни ўтказиш манзили	Ўтказиш муддати	Иштирок этадиган ОТМлар	Масъуллар ва Ҳакамлар хайъати аъзолари
1-гуруҳ	Андижон давлат университети	10-11 май	Андижон вилоятидаги барча ОТМлар	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг худудий Кенгашлари Республика Маънавият ва маърифат маркази худудий бўлиналари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси худудий бўлиналари Ёшлар ишлари агентлиги худудий бошқармаларидан вакиллар Тегишли олий таълим муассасасидан вакил
2-гуруҳ	Фарғона давлат университети	10-11 май	Фарғона вилоятидаги барча ОТМлар	
3-гуруҳ	Наманган давлат университети	10-11 май	Наманган вилоятидаги барча ОТМлар	
4-гуруҳ	Термиз давлат университети	10-11 май	Сурхондарё вилоятидаги барча ОТМлар	
5-гуруҳ	Қарши давлат университети	10-11 май	Қашқадарё вилоятидаги барча ОТМлар	
6-гуруҳ	Самарқанд давлат университети	10-11 май	Самарқанд вилоятидаги барча ОТМлар	
7-гуруҳ	Гулистон давлат университети	10-11 май	Сирдарё вилоятидаги барча ОТМлар	
8-гуруҳ	Жиззах давлат педагогика институти	10-11 май	Жиззах вилоятидаги барча ОТМлар	
9-гуруҳ	Қорақалпоқ давлат университети	10-11 май	Қорақалпоғистон Республикасидаги барча ОТМлар	
10-гуруҳ	Урганч давлат университети	10-11 май	Хоразм вилоятидаги барча ОТМлар	
11-гуруҳ	Навой давлат педагогика институти	10-11 май	Навой вилоятидаги барча ОТМлар	
12-гуруҳ	Бухоро давлат университети	10-11 май	Бухоро вилоятидаги барча ОТМлар	
13-гуруҳ	Чирчиқ давлат педагогика институти	10-11 май	Тошкент вилоятидаги барча ОТМлар	
14-гуруҳ	Ўзбекистон миллий университети	10-11 май	Тошкент шаҳридаги барча ОТМлар	

**Изоҳ:** Ушбу жадвалга Таъкилий қўмита қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин, шунингдек, танловнинг худудий босқичи ўтказиладиган таълим муассасаси танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул этиб белгиланади.



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Ижроия кўмитаси,  
 Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
 вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази,  
 Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон журналистлар  
 ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси,  
 Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлигининг 2022 йил  
 “25” апрелдаги 6-97 “с”, 13-қб, 05-11/кк, 09-32/2, 01-18/253,  
 кк-2, 01-07/16-сонли қўшма қарорига 2-илова

**“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз кўлларимиз билан бунёд этамиз!”  
 шиори остидаги республика эсселар танловини ташкил этиш ва  
 ўтказиш бўйича Ташкилий кўмита  
 ТАРКИБИ**

№	Исми, фамилияси ва отасининг исми	Лавозими
1.	Рафиқов Қудратилла Мирсоатович	Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси, Ташкилий кўмита раиси
2.	Ташкулов Абдукодир Хамидович	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Ташкилий кўмита раиси ўринбосари
3.	Ташкенбаев Улуғбек Негматович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи, аъзо
4.	Саъдуллаев Алишер Зафар ўғли	Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги директори, аъзо
5.	Хаджаев Алишер Джуракулович	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси, аъзо
6.	Ходжиматов Минхожиддин Мирзажонович	Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, аъзо
7.	Сирожиддин Саййид	Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, аъзо
8.	Ўсаров Олимжон Аввалбоевич	Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси, аъзо
9.	Бедилов Равшан Мэлсович	Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси, аъзо
10.	Эрматов Хусан	“Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари таҳририяти бош муҳаррири, аъзо
11.	Карабаев Рахматилла Абдусатторович	Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси бўлим мудири, аъзо
12.	Мингишов Лазиз Ўткирович	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази директори, аъзо
13.	Лавозим бўйича	Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши раислари, аъзо



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Ижроия кўмитаси,  
 Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
 вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази,  
 Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон журналистлар  
 ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси,  
 Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлигининг 2022 йил  
 “25” апрелдаги 6-97 “с”, 18-ққ, 05-11/кк, 09-32/2, 01-18/253,  
 кк-2, 01-07/16-сонли қўшма қарорига 3-илова

**“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!”  
 шиори остидаги республика эсселар танлови ҳакамлар ҳайъати  
 ТАРКИБИ**

№	Исми, фамилияси ва отасининг исми	Лавозими
1.	Хожиматов Минхожиддин Мирзажонович	Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, ҳакамлар ҳайъати раиси
2.	Джалилов Шухрат Ильхамович	Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор, ҳакамлар ҳайъати раиси ўринбосари
3.	Ўсаров Олимжон Авалбоевич	Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раиси, аъзо
4.	Махмуд Тоир	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, аъзо
5.	Эрматов Хусан Тохирович	“Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари таҳририяти бош муҳаррири, аъзо
6.	Жамолитдинова Одина	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг маслаҳатчиси, аъзо
7.	Ғоимов Ўрол Содиқович	Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси маслаҳатчиси, аъзо
8.	Воҳид Лукмон	Маънавият ва маърифат телеканали директори, аъзо
9.	Нишонов Хусан	“Маърифат” газетаси бош муҳаррири.
10	Абдурахмонов Миродил	“Сиёсат” журнали бош муҳаррири, аъзо
11	Турикова Лазокат Машрабовна	Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси, аъзо

**“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!”  
 шиори остидаги эсселар танлови республика босқичини ташкил этиш ва ўтказиш  
 бўйича чора-тадбирлар режаси**

№	Чора-тадбирлар	Муддати	Ижрочилар
1.	Танлов ўтказиладиган жойларни мавзуга тааллуқли кўргазмали воситалар, баннерлар, фотосессия учун панно билан безаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда тайёрлаш	2022 йил 13 май	Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2.	Танловнинг тақдирлаш маросимини олиб бориш тартиби, табрик сўзлари ва тадбир сценарийлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳнамолигида юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга алоҳида эътибор қаратиш	2022 йил 13 май	Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси
3.	Танловда тақдирланадиганлар учун совғалар, дипломлар, сертификатларни тайёрлаш ва таклифномаларни чоп эттириш.	2022 йил 14 май	Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси
4.	Танловнинг Республика босқичи иштирокчиларининг ташрифлари ва учрашувларини ташкил этиш	2022 йил 16-17 май	Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази
5.	Танлов жараёнлари (учрашувлар, ташрифлар, тақдирлаш маросими ва бошқани тасвирга олиш ва махсус кўрсатувлар тайёрлаш, эфирга узатиб бориш	2022 йил 16-19 май	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси
6.	Тақдирлаш тадбири ўтказиладиган Ўзбекистон касба уюшмалари катта мажлислар залининг жиҳозланиши, овоз кучайтиргич, ёритиш мосламалар, ЛЭД экран ва мониторлар ишлашини таъминлаш	2022 йил 17 май	Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси



7.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси биносида “Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз” мавзусида эсселар ёзиш	2022 йил 18 май	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази
8.	“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз” мавзусида ёзилган эсселарни баҳолаш	2022 йил 18 май	Ҳакамлар хайъати
9.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси биносида танловнинг тақдирлаш маросимини ўтказиш	2022 йил 19 май	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ёшлар ишлари агентлиги
10.	Танлов иштирокчилари ва кузатувчиларини ўз манзилларига кузатиб қўйиш	2022 йил 19-20 май	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!”  
 эсселар танлови республика босқичини ташкил этиш ва ўтказиш  
 ДАСТУРИ**

№	Муддати	Чора-тадбирлар
16 май, 2022 йил		
1.	13:00 га қадар	“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!” эсселар танлови 4-босқичининг 42 нафар иштирокчилари ва уларнинг 14 нафар кузатувчиларини кутиб олиш ҳамда “Чинобод Плаза” санаторийсига жойлаштириш
2.	13:00-14:00	“Чинобод Плаза” санаторийсида тушлик
3.	14:00-14:30	Танлов иштирокчиларининг кузатувчиларига бўлиб ўтадиган тадбирлар режасини тарқатиш ва тушунтириш олиб бориш
4.	14:30-15:30	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф, Спикер ва Ёшлар парламенти вакиллари билан учрашув (алоҳида дастур асосида)
5.	15:30-16:30	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Академик Саидов Акмал Холматович билан учрашув <b>Мавзу: “Таракқиёт стратегияси – келажак учун мустаҳкам замин”</b>
6.	16:30-18:30	“Янги Ўзбекистон” боғига ташриф
7.	18:30-19:00	“Чинобод Плаза” санаторийсига қайтиш
8.	19:00-20:00	Кечки овқат
9.	20:00-21:00	Маданий тадбир (санъаткор, шоир, ёзувчилар билан учрашув (алоҳида дастур асосида)
10.	21:00	Дам олиш
17 май, 2022 йил		
1.	07:30-08:30	Нонушта
2.	08:30-09:00	“Чинобод Плаза” санаторийсининг фойесида тўпланиш
3.	09:00-10:30	Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви Академияси фаолияти билан танишув
4.	10:30-12:20	Тошкент шаҳридаги INHA университетида ташриф ва олийгоҳ ректори билан учрашув, университетнинг Жанубий Кореядаги бош олийгоҳи вакиллари билан онлайн мулоқот.



5.	12:20-13:00	“Чинобод Плаза” санаторийсига қайтиш
6.	13:00-14:00	Тушлик
<b>Танлов иштирокчиларининг Ўзбекистон парламенти аъзолари ва зиёлилар билан учрашуви</b>		
7.	14:00-14:50	<b>Мавзу: “Янги Ўзбекистон – аёллари бахтли мамлакат. Маърузачи: Шермухамедова Жамила Ташпулатовна</b> – Республика Маънавият ва маърифат маркази ходими, фалсафа фанлари доктори, профессор.
8.	14:50-15:00	<b>Танаффус</b>
9.	15:00-15:50	<b>Мавзу: “Янги Ўзбекистоннинг устувор мақсади – учинчи Ренессанс. Маърузачи: Тошқулов Абдукодир Ҳамидович</b> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазири.
10.	15:50-16:00	<b>Танаффус</b>
11.	16:00-16:50	<b>Мавзу: “Биз – Янги Ўзбекистон бунёдкорларимиз! Маърузачи: Каттаханова Дилноза Собир қизи</b> – Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари.
12.	16:50-17:00	<b>Танаффус</b>
13.	17:00–17:50	<b>Мавзу: Янги Ўзбекистон маънавий тараққиёти концепцияси. Маърузачи: Хожиматов Минхожиддин Мирзажонович</b> – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор.
14.	17:50-18:00	<b>Танаффус</b>
17.	18:00-19:00	Кечки овқат
18.	19:00-21:00	“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!” эсселар танловига мустақил тайёргарлик
19.	21:00	Кечки уйқу
<b>18 май, 2022 йил</b>		
1.	07:30-08:30	Нонушта
2.	08:30-09:00	“Чинобод Плаза” санаторийсининг фойесида тўпланиш
3.	09:00-09:30	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бориш
4.	09:30-10:00	Залга жойлашиш, эссе ёзишга тайёргарлик кўриш
5.	10:00-12:30	<b>“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!”</b> мавзусида эссе ёзиш
6.	12:30-13:00	“Чинобод Плаза” санаторийсига қайтиш
7.	13:00-14:00	Тушлик
8.	14:30-16:00	Ёшлар ишлари агентлиги студиясида талабалар иштирокида танлов мавзусига мос Ёшлар пресс клубининг навбатдаги сонини тасвирга олиш

9.	16:30-18:30	Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетига ташриф, олийгоҳ ректори билан мулоқот ва ёшларнинг янги лойиҳалари билан танишиш
10.	18:30-19:00	Ўзбекистон Миллий Академик драма театрига ташриф
11.	19:00-20:30	Ўзбекистон Миллий Академик драма театрида спектакль намоиши
12.	20:30-21:00	“Чинобод Плаза” санаторийсига қайтиш
13.	21:00-22:00	Кечки овқат
14.	22:00	Кечки уйқу
19 май, 2022 йил		
1.	07:30-08:30	Нонушта
2.	08:30-09:30	Эркин вақт
3.	09:30-10:00	“Чинобод Плаза” санаторийсининг фойесида тўпланиш
4.	10:00-10:30	Касаба уюшмалари Федерациясига келиш
5.	10:30-11:00	Федерация катта мажлислар залига тадбир иштирокчилари ва уларнинг устозларини жойлаштириш
6.	11:00-13:00	“Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!” эсселар танловининг Республика босқичи иштирокчилари ва ғолибларини тақдирлаш маросими
7.	13:00-13:30	Тадбир иштирокчиларининг умумий ва якка ҳолда фотосессияси
8.	13:30-14:00	“Чинобод Плаза” санаторийсига қайтиб келиш
9.	14:00-15:00	Тушлик
10.	15:00-18:00	Иштирокчи ва кузатувчиларнинг бир гуруҳини ўз манзилларига кузатиш (график асосида)
11.	18:00-19:00	“Чинобод Плаза” санаторийсида кечки овқат
20 май, 2022 йил		
1.	07:30-08:30	Нонушта
2.	Кун давомида	Иштирокчиларни ўз манзилларига кузатиш